# ???? Ўзбекистондаги #эпидемиологик_вазият'га оид сўнгги янгиликлар

????26 апрель куни ҳозирча 7 кишига Covid-19 ташхиси қўйилгани хабар қилинди, жами зарарланиш ҳолатлари 1869тага етди.
????Беморларнинг 42 фоизи (789 киши) тузалиб чиқди. Бугун 82 бемор соғайгани тасдиқланди (https://kun.uz/news/2020/04/26/ozbekistonda-koronavirusdan-sogayganlar-soni-800ga-yaqinlashdi).
????26 апрель соат 13:00 ҳолатига кўра: Навоийда март ойи охиридан буён, Қашқадарёда эса 18 кундан бери бирорта ҳам янги ҳолат қайд этилмади. Жиззахда эса 9 кундан буён янги бемор аниқланмаган. Навоийда 1, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида 2 нафардан бемор даволаняпти (https://kun.uz/news/2020/04/26/ozbekistonda-240-mingdan-ortiq-kishi-koronavirus-uchun-test-qilindi).
????Коронавирус энг кўп аниқланган ҳудудлар учлиги ўзгармаган (https://kun.uz/news/2020/04/26/ozbekistonda-240-mingdan-ortiq-kishi-koronavirus-uchun-test-qilindi): Тошкент (жами беморларнинг деярли учдан бири), Бухоро ва Хоразм вилоятлари. Кейинги ўринларда – водийнинг уч вилояти.
????25 апрелда 8579та тест ўтказилгани маълум қилинди (шундан 58таси мусбат натижа берган). Ўтказилган жами тестлар сони 240 мингдан ошган (https://kun.uz/news/2020/04/26/ozbekistonda-240-mingdan-ortiq-kishi-koronavirus-uchun-test-qilindi).
????81 мингдан ортиқ киши карантинда, шулардан 63 мингга яқини уй карантинида (https://kun.uz/news/2020/04/26/ozbekistonda-240-mingdan-ortiq-kishi-koronavirus-uchun-test-qilindi).

2020-04-27 06:26:11